

Қарақалпогистон Республикасининг саноат ишлаб чиқариши
(2020 йил январь-сентябрь)



2020 йилнинг январь-сентябрида 9660,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, саноат ишлаб чиқариш индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,5 фоизни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 86,0 % ни ташкил этди.

Статистик ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 1222,2 млрд. сўм миқдорида (жами саноат маҳсулотлари ҳажмининг 12,6 фоизи) баҳоланди ва саноат ишлаб чиқариш индекси ўтган йилга нисбатан 121,6 фоизни ташкил этди.


Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ва уй хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 752,2 млрд. сўм миқдорида (7,8 фоиз) ҳисоб-китоб қилинди.

Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг энг катта ҳажми ишлаб чиқарадиган (қайта ишлайдиган) корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми 8307,3 млрд. сўм бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 86,0 фоизни ташкил этди.


Шунингдек, ҳисбот даврида жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият тури бўйича 1217,6 млрд. сўм (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 12,6 %), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолият тури бўйича 81,6 млрд. сўм (0,8 %) ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилярни утилизация килиш фаолият тури бўйича 53,5 млрд. сўм (0,6 %) маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишига электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари ҳам муносиб ҳисса қўшди, уларнинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 12,6 фоизни ташкил этди.

**Январь-сентябрь ойларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми
ва ўсиш суръати**



**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари
бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби**



**Январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича
саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш**

	млрд. сўм		физик ҳажм индекси, %	жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	
	2019 й.	2020 й.		2019 й.	2020 й.
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми	8816,1	9660,0	102,5	100,0	100,0

иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми

иқтисодий фаолият турлари бўйича:

Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	98,5	81,6	75,0	1,1	0,8
---	-------------	-------------	-------------	------------	------------

уладран:

Тоғ-кон саноатининг бошқа соҳалари	71,5	54,1	61,1	0,8	0,5
------------------------------------	------	------	------	-----	-----

Ёпик усулда қазишга техник ёрдам кўрсатиш	27,0	27,5	79,4	0,3	0,3
---	------	------	------	-----	-----

Қайта ишлаш саноати	7925,7	8307,3	102,3	89,9	86,0
----------------------------	---------------	---------------	--------------	-------------	-------------

ундан:

Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1158,8	1343,9	94,8	13,1	13,9
---	--------	--------	------	------	------

Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	733,1	1021,8	123,2	8,3	10,6
--	-------	--------	-------	-----	------

Ёғоч ва пўёнак буюмлар, поҳол ва тўқиши учун материаллардан буюмлар, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	78,2	110,6	130,5	0,9	1,1
--	------	-------	-------	-----	-----

Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	1,8	1,7	81,7	0,02	0,02
---	-----	-----	------	------	------


	млрд. сўм		физик ҳајсм индекси, %	жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	
	2019 й.	2020 й.		2019 й.	2020 й.
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	5470,0	5304,1	113,3	62,0	54,9
Кокс ва нефтни кайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,2	0,1	27,3	0,002	0,001
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	31,2	25,4	89,2	0,4	0,3
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	280,5	347,2	103,1	3,2	3,6
Металлургия саноати	2,3	3,0	64,4	0,03	0,03
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	14,5	23,9	92,5	0,2	0,3
Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	110,0	39,0	-	1,2	0,4
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	33,9	47,9	135,2	0,4	0,5
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	3,3	2,9	84,9	0,04	0,03
Машина ва ускуналар таъмирлаш ва ўрнатиш	4,9	6,2	97,4	0,1	0,06
Бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш	3,0	29,6	397,6	0,03	0,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	697,7	1217,6	152,0	7,9	12,6
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндилярни йиғиши ва утилизация қилиш	94,2	53,5	44,2	1,1	0,6

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 81,6 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,8 фоизини ташкил этди.


Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича оҳактош қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 30,3 фоизга ошганлигини, газ конденсати 9,1 фоизга ва табиий газ 8,7 фоизга пасайланлигини кузатиш мумкин.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (умумий ҳажмсга нисбатан фоиз ҳисобида)

2019 йил январь-сентябрь



2020 йил январь-сентябрь



Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

ўлчов бирлиги	январь-сентябрь ойларида		2019 йилга нисбатан, % ҳисобида
	2019 й.	2020 й.	

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Табиий газ ишлаб чиқариш	млн.м.куб	2228,1	2033,9	91,3
Оҳак тош	минг тн.	142,8	186,1	130,3
Чақиқ тош (шебенъ)	минг тн.	275,8	236,6	85,8

	ўлчов бирлиги	январь-сентябрь ойларида		2019 йилга нисбатан , %, ҳисобида
		2019 й.	2020 й.	
Қайта ишлаш саноати				
Ароқ маҳсулотлари	минг л. 100% спирт	2956,7	2303,2	77,9
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг тн.	57,8	69,9	121,0
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	тн.	813	191,6	23,6
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г. (буханка)	тн	1949,1	436,8	22,4
Гуруч маҳсулотлари	тн	3616,7	5831,9	161,2
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилингандаридан ташқари)	тн.	7328	7999,5	109,2
Йирик шохли қорамоллар учун тайёр омухта ем маҳсулотлари	минг тн.	31,3	34,6	110,6
Пахта толаси	минг тн.	25,9	30,1	116,1
Пахта чигити	минг тн.	40,4	47,5	117,4
Пахта тивити (линт)	тн.	1926,6	2313,4	120,1
Асосий ноорганик кимёвий моддалар (динатрий карбонати)	минг тн.	142	138	97,2
Полиэтилен	минг тн.	276,1	264,0	95,6
Полипропилен	минг тн.	72,6	73,5	101,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш				
Ишлаб чиқарилган электр енергияси	млн.кВт/с	2552,8	3129,0	122,6
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик енергияси)	минг Гкал.	30,5	21,2	69,8

ўлчов бирлиги	январь-сентябрь ойларида		2019 йилга нисбатан, % ҳисобида
	2019 й.	2020 й.	

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш


Сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматлари	млн. сўм	28379,1	31468,6	110,9
--	----------	---------	---------	-------

Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар	млн. сўм	3972,9	4606,9	116,0
---	----------	--------	--------	-------

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 8307,3 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 86,0 % ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 0,8 фоизни, ўрта-юқори технологияли 63,9 фоизни, ўрта-қуи технологияли 5,1 фоиз ва қуи технологияли 30,2 фоизни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби



Ўз навбатида, ишлаб чиқарадиган саноатида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан портландцемент 1,8 марта, туруч 1,6 марта, юмшоқ буғдой уни 21,0 фоизга ошганлигини ва карбонат динатрий 2,8 фоизга, ароқ 22,1 фоизга, буғдой нони 77,6 фоизга, макарон маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 76,4 фоизга пасайланлигини кузатиш мумкин.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1217,6млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 12,6 фоизни) ташкил этди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 53,5 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,6 фоизи) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматларининг 10,9 фоизга, оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларнинг 16,0 фоизга ошганлиги кузатилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1747,9 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 104,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1004,8 млрд.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари (107,8 фоиз,), 651,4 млрд.сўмлик ноозиқ-овқат моллари (103,8 фоиз), ва 91,7 млрд. сўмлик вино-ароқ маҳсулотлари (2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 81,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Январь-сентябрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


	млрд. сўм		жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	
	2019 й.	2020 й.	2019 й.	2020 й.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	1672,7	1747,9	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
озиқ-овқат товарлари	1045,1	1096,5	62,5	62,7
ноозиқ-овқат товарлари	627,6	651,4	37,5	37,3

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида истеъмол товарлари
ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**



**Йирик ва кичик бизнес субъектлари томонидан истеъмол товарлари
ишлаб чиқариш таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида**




Шаҳар ва туманлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари

Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Нукус шахри (жами ишлаб чиқариш ҳажмининг 56,9 %), Тахиатош (11,8 %), Кўнгирот (4,8 %), Хўжайли (3,4 %), ва Амударё (2,7 %) туманлари хиссасига тўгри келади.

Шунингдек, истеъмол товарлари ҳажмининг энг катта қисми Нукус шахри (жами истеъмол товарлари ҳажмининг 20,4 %), Хўжайли (8,5 %), Тўрткўл (8,2 %), Элликқалъа ва Беруний (7,6 %), Кўнгирот (7,0 %) туманларида ишлаб чиқарилди.

Шаҳар ва туманлар бўйича истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми (республика бўйича жамига нисбатан фоиз ҳисобида)

25




2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

	<i>саноат маҳсулотлари, млрд. сўм</i>	<i>жамига нисбатан улуши, %</i>	<i>истеъмол товарлари, млрд. сўм</i>	<i>жамига нисбатан улуши, %</i>
Қорақалпоғистон Республикаси	9660,0	100,0	1747,9	100,0
Нукус ш.	5500,0	56,9	356,1	20,4
<i>туманлар:</i>				
Амударё	259,2	2,7	90,0	5,1
Беруний	179,6	1,9	132,2	7,6
Бўзатов	66,8	0,7	13,8	0,8
Конликўл	229,1	2,4	112,3	6,4
Қораўзак	176,4	1,8	31,7	1,8
Кегейли	209,8	2,2	40,1	2,3
Кўнғирот	462,7	4,8	122,4	7,0
Мўйиноқ	81,1	0,8	41,9	2,4
Нукус	211,2	2,2	40,9	2,3
Тахиатош	1138,3	11,8	110,4	6,3
Тахтакўпир	138,7	1,4	89,0	5,1
Тўрткўл	240,3	2,5	143,5	8,2
Хўжайли	325,7	3,4	148,3	8,5
Чимбой	140,1	1,4	95,8	5,5
Шуманай	102,4	1,1	46,5	2,7
Элликқалъа	198,6	2,0	133,0	7,6

**Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва
истеъмол товарларини ишлаб чиқариш**

	<i>Ишлаб чиқариш ҳажми, аҳоли жон бошига, минг сўм</i>	
	<i>саноат маҳсулотлари</i>	<i>истеъмол товарлари</i>
Қарақалпоғистон Республикаси	5065,0	916,5
Нукус ш.	17123,9	1108,7
<i>туманлар:</i>		
Амударё	1296,9	450,0
Беруний	933,1	687,0
Бўзатов	3090,0	636,9
Қонликўл	4473,4	2192,7
Қораўзак	3331,8	598,5
Кегейли	2885,2	551,0
Қўнғирот	3544,7	937,8
Мўйноқ	2534,0	1309,1
Нукус	4180,9	809,2
Тахиатош	15363,6	1489,7
Тахтакўпир	3426,2	2198,4
Тўрткўл	1115,9	666,5
Хўжайли	2643,2	1203,7
Чимбой	1244,0	851,1
Шуманай	1812,6	824,1
Элликқалъа	1242,0	831,6

**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган
саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари,
минг сўм**



**2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар
ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш**

Тармоқлар аро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 81,6 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳажмларининг ўсиши бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўсишининг ва импорт товарлари қисқаришининг омилларидан бири ҳисобланади.

Маҳаллийлаштириш дастурининг асосий қўрсаткичлари

	<i>2019 йил январь-сентябрь</i>	<i>2020 йил январь-сентябрь</i>
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	10	25
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	8	21
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд.сўм</i>	3130,4	81,6
Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	253,8	0,7
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	125	322

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг
ишлаб чиқарилиши**

Хисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 5410,9 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кўшма корхоналарнинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 56,0 фоизни ташкил этди.